

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадисларида диний илмлар олимнинг фазли қанчалар улўф эканлигини баён қилмоқдалар. Ушбу фазлни яна ҳам равшанроқ кўрсатиш учун диний илмлар олимни обид кишига қиёслаб баён қилмоқдалар. Обид – ўзини ибодатга бағишлаган, қўшимча ибодатларга кўп аҳамият берувчи, кўп вақтини нафл ибодатларга сарфловчи кишидир. Шубҳасиз, бундай одам фазилатли бўлади. Кўпчилик уни ибодатли бўлгани учун ҳам ҳурмат қилади.

Аmmo олимга солиштирганда мингта обиднинг фазли ҳам битта олимнинг фазлига тўғри келмас экан. Нима учун? Чунки обид сифатига эга бўлган инсон илмдан унчалик хабардор бўлмайди, бўлса ҳам, бор илмини фақат ўзи учунгина ишлатади. Кўпинча ибодатли кишиларга илм етишмаса, шайтон васвасасига учиб, йўлдан озишлар ҳам содир бўлиб туради. Шунинг учун ҳам обид киши шайтонга унчалик қаршилик кўрсата олмайди. Тўғрироғи, шайтоннинг ишларига қарши туrolмайди.

Олим киши эса Аллоҳ таоло берган илм ёрдамида шайтоннинг барча макр-ҳийлаларидан хабардор бўлади ва уларга қарши кўриладиган чоратадбирларни яхши билади. Шайтон қаерда одамларни ифвога солса, уларни тўғри йўлдан адаштирмоқчи бўлса, олим ўша ерда пайдо бўлади ва шайтоннинг ифвосига қарши зарур чораларни кўради. Шунинг учун бир олим шайтон учун минг нафар обиддан кўра ашаддийроқ душман ҳисобланади.

Исломда шунинг учун ҳам диний илм олимлари юқори қадрланадилар. Олим бор жойда кишиларнинг шайтон васвасасига учиши оз бўлиши тарихий тажрибада кўрилган ҳақиқатдир. Қайси бир жамиятда кераклигича диний олим бўлса, ўша жамиятда шайтоннинг васвасаси оз бўлади. Олимлар ваъз-насихат, дарсу иршодлари билан халқни шайтонга малай бўлишдан қайтариб, Аллоҳнинг йўлига солиб турадилар. Уламолари йўқ ёки кам жойларда эса инсонлар шайтонга малай бўлиб қоладилар.

Шунинг учун ҳам орамиздан кўпроқ етук диний олимлар чиқиши учун ҳаракат қилмоғимиз, бор уламоларни эса жамият учун, эл-юрт учун зарур кишилар сифатида тақдирлашимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди